# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***Мавланов Нормўмин Норматович***
*“Молиявий таҳлил”*
*кафедраси профессори, и.ф.д. (DSc)*

Республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, аҳолининг моддий аҳволининг яхшиланишида хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёсдир. Бунга ёрқин мисол ҳозирги кунда тез суръатларда ривожланаётган шарқий осиё давлатларини келтиришимиз мумкин. Республикамизда ҳам тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан текширувлар сонини кескин қисқартириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат аралашувини камайтириш, турли имтиёзларнинг жорий этилиши бунинг ёрқин мисолидир. Тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига тусқинлик қилувчи энг асосий омиллардан бири молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги ҳисобланади. Республикамизда тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни асосан банк кредитлари ҳисобига қоплаб келмоқда. Кредит олиш жараёнида тадбиркорлик субъектлари бир қатор муаммоларга дуч келмоқдалар. Булар қаторига кредитга қўйиладиган таъминотнинг етишмаслиги, янги ташкил этилган корхоналарнинг молиявий аҳволидаги қийинчиликлар, кредит жалб қилиш узоқ вақт талаб этиши, кредит олиш жараёни ортиқча харажатларнинг мавжудлиги(таъминотни суғурта қилиш, нотариус харажатлари) кабиларни киритишимиз мумкин. Ҳозирда банклар корхоналарга кредит ажратишда асосий эътиборни кредит таъминотига, таъминотни суғурта қилдиришга, кафил корхона бўлишига қаратишмоқда, аммо бизнес режанинг қай даражада мукаммал ишлаб чиқилганлигига ва кредитга лаёқатлигини комплекс таҳлил қилиш асосида баҳолаш назардан четда қолмоқда. Бунга ёрқин мисол қилиб, банклар корхоналарнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда асосан 3 та кўрсаткичдан фойдаланиб келмоқда, яъни булар қоплаш коэффициенти, ликвидлилик коэффициенти ва мустақиллик коэффициентларидир. Ушбу учта кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда корхоналарнинг кредитга лаёқатлигига баҳо бериб кредит ажратилиши ёки ажратилмаслиги ҳақида қарорини қабул қилмоқда. Биз уйлаймизки ушбу учта кўрсаткич нафақат молиявий аҳволини баҳолашга балки молиявий ҳолатининг ўзини ҳам баҳолашга етарли эмас. Чунки, молиявий ҳолати ва ундаги ўзгаришларни баҳолашда молиявий коэффициентлар билан бир қаторда актив ва пассив моддаларнинг ўзгаришини, молиявий барқорорликни, баланс ликвидлигини, айниқса

айланма маблағлар айланишини чуқур ўрганишни талаб этади. Корхона фаолиятига комплекс баҳо беришда молиявий ҳолат билан бир вақтда молиявий натижаларини, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, пул оқимларини, хусусий капиталини жумладан, меҳнат салоҳиятини таҳлил қилиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шу жиҳатдан корхоналарнинг кредитга лаёқатлигини таҳлили ва баҳолашни хориж ва маҳаллий тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш асосида янги тизимини яратиш, унинг услубий ва дастурий таъминотини шакллантириш масалаларини ҳал этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Масалалар қуйидаги муҳим йўналишлар бўйича ҳал этилади:

- корхоналар кредитга лаёқатлигини таҳлил этиш ва баҳолашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш;
- корхоналар кредитга лаёқатлигини таҳлил этиш ва баҳолашнинг ахборот таъминоти ишлаб чиқиш;
- корхоналар кредитга лаёқатлигини молиявий ҳисобот маълумотлари асосида баҳолаш ва таҳлил этишнинг кўрсаткичлар тизими шакллантириш;
- корхоналар кредитга лаёқатлигини баҳолашнинг қиёсий таҳлили амалга ошириш;
- корхоналарни кредитга лаёқатлигини комплекс таҳлил этиш тизими ишлаб чиқиш;
- корхоналар кредитга лаёқатлигини баҳолашнинг комплекс таҳлилининг скоринг модели ишлаб чиқиш.

**Адабиётлар:**


1. Шагиясов Т., Сагдиллаева З.А., Файзиев Б.В.. Финансовый и управленческий анализ: Учебник; Министерство высшего и среднего специального образования РУз, - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. 352 с.
2. Шеремет. А.Д., Методика финансового анализа/ Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. - М.: ИНФРА-М, 2011г., 127 с.
3. З.А.Сагдиллаева, И.Х.Чориев, А.Б.Абдуллаев. Экономический анализ. Т.: «Nihol print» ОК.2022. стр.444
4. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максмудов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
5. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
6. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent:, «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.
7. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.
8. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.

9. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2023). DIGITAL ECONOMY AND CHANGES IN BUSINESS ANALYSIS. International Journal of Research in Finance and Marketing (IJRFM), 13(12), 47-52. Retrieved from https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRFM4Dec2023-Uzb.pdf

10. Қличев, Б. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar, 4 (20)-сон, 170-175.

11. Ibragimov Gayratjon Artikovich, Kurbanbaev Jurabek Eruvbayevich, Mukhiddinova Barno Gafurjanovna. (2019). The main differences between IFRS and NSA. International Finance and Accounting, 3(13), 1-12. Retrieved from https://core.ac.uk/download/pdf/285998049.pdf

12. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2023). DIGITALIZATION OF THE ECONOMY AND OPERATIONAL SAFETY. International Journal of Research in Economics and Social Sciences(IJRESS), 13 (11), 95-101. Retrieved from https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRESS10-Nov2023-Uzb.pdf

13. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). EKSPORT-IMPORT OPERATSIYALAR HISOBI NAZORATINI TAKOMILLASHTIRISH YO’NALISHLARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 215–222. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3034

14. Самадова Наргиза Расуловна. (2024). КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ COMPLEX ANALYSIS OF THE ECONOMIC COMPETENCE OF THE ENTERPRISE . World Scientific Research Journal, 23(2), 174–181. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3030

15. Gayratjon Ibragimov. (2024). TIJORAT BANKLARIDA MBMB TIZIMINI JORIY ETISH MASALALARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 223–230. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3035

16. Пардаевич, Қ. Б. (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, (2), 2181-1016.

17. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). MUQOBIL IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR . World Scientific Research Journal, 23(2), 231–238. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3036

18. Қличев, Б. (2021, ноябрь 19). Ички аудит хизмати фаолиятида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш масалалари. Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ маъмуриятчилиги ва халқаро солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Халқаро конференция материаллари тўплами. Тошкент, Ўзбекистон. https://doi.org/10.5281/zenodo.10531234

19. Yuldashevna, R. U. (2022). Monitoring of Credit Risks as Financial Resources In Commercial Banks. *International journal of trends in business administration*, *12*(1).

20. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2024). NOMODDIY AKTIVLAR AUDITINI TAKOMILLASHTIRISH. World Scientific Research Journal, 26(3), 177–184. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3261

21. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2023). IQTISODIYOTNI RIVOJLANISH ISTIQBOLLARIDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI . *World Scientific Research Journal*, *16*(1), 20–22. Retrieved from http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2693

22. Самадова Наргизза Расуловна. (2024). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ. World Scientific Research Journal, 26(3), 95–104. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3252

23. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). BIZNES JARAYONLARNI OPTIMALLASHTIRISH YO’NALISHLARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 239–246. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3037

24. Қличев, Б. (2021). Хўжалик юритувчи субъектларда ишбилармонлик фаоллиги таҳлили. Актуар молия ва бухгалтерия ҳисоби, 1 (3)-сон, 1-9. Retrieved from https://finance.tsue.uz/wp-content/uploads/2021/06/4.-Қличев-Б.pdf

25. Қличев, Б. (2021). Инновацион фаолиятда асосий воситалар таҳлилини ташкил этиш масалалари. Инновацион иқтисодиёт: муаммолар, таҳлил ва ривожланиш истиқболлари. Қарши, Ўзбекистон. https://doi.org/10.5281/zenodo.10531216

26. Қличев, Б. (2021, сентябрь 30). Меҳнат мотивациясида моддий рағбатлантириш таҳлили. Молия-банк тизимида илм-фан,таълимнинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришда тошкент молия институтининг ўрни. Конференция материаллари тўплами, Тошкент, Ўзбекистон. https://doi.org/10.5281/zenodo.10531256

27. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 182–188. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2876